

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-7-7-8>

Абдуллаев Эркин

Тошкент давлат юридик университети докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада электрон ҳукуматнинг вужудга келиш босқичлари, тарихий ривожланиши ва қонунчилик асослари ёритиб берилган. Шунингдек мақолада электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун қабул қилиш бўйича бошқа давлатларнинг статистикаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: электрон ҳукумат, ривожланиш босқичлари, қонунчилик асоси, норматив ҳужжатлар, интерактив давлат хизматлари.

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННОГО
ПРАВИТЕЛЬСТВА, ИСТОРИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И

ВОЗНИКНОВЕНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье освещаются этапы формирования электронного правительства, его историческое развитие и правовые основы. В статье также анализируется статистика других стран по принятию законов об электронном правительстве.

Ключевые слова: электронное правительство, этапы развития, основы законодательства, нормативные документы, интерактивные государственные услуги.

STAGES OF FORMATION OF ELECTRONIC GOVERNMENT, HISTORICAL DEVELOPMENT AND THE EFFECTS OF LEGAL BASES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: This article discusses the stages of formation of electronic governance, its historical development and legal bases. The article also analyzes the statistics on other countries' adoption of the law on electronic government.

Key words: e-government, stages of development, basis of legislation, regulatory documents, interactive state services.

Электрон ҳукуматнинг тарихий ривожланиши тўғрисида гапирганда бошқа соҳалардаги каби қадимги, яъни ибтидоий жамоат тузуми, қулдорлик ёки феодал даврлар ҳақида гапириш имкони йўқ. Чунки бу соҳа тараққиёти айнан XX асрнинг сўнгги даврлари билан боғлиқдир.

Аммо, қиёслаш учун ахборотни тегишли манзилга юбориш, ўша манзилдан муайян бир маълумотларни тезлик билан қабул қилиб олиш борасида турли даврларда давлат бошқарувида турлича хизматлар ташкил этилган ва уларнинг фаолиятидан самарали фойдаланилган. Чунки буни даврнинг ўзи тақозо қилган. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш ўринли бўладики, тезкор ахборот маълумотларини ўз вақтида қўлга киритиш, маълумот

олишнинг сифатли тизимларини яратиш борасида кўрилган чора-тадбирлар тарихда буюк саркардаларнинг, хусусан, Александр Македонский, Ганнибал, Чингизхон, Амир Темур ва бошқаларнинг жангу жадаллардаги муваффақиятларига асос бўлиб хизмат қилган. Айнан, Амир Темурнинг ҳар бир ғалабаси унинг кузатувчи гуруҳлари¹ томонидан етказиб бериладиган рақиб томоннинг қўшини, жойлашган жойи ва ҳолати, қурол-аслаҳаларининг тури ва миқдори, аҳолининг кайфияти ва давлат бошлиғига нисбатан муносабати тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларига асосланган².

Ахборот хизматининг самарали ва ишончли тарзда йўлга қўйилганлиги ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, буюк мўғул ҳукмдори Чингизхон (Темучин) давлатида ҳам мавжудлиги тарихдан маълум. Айниқса, Чингизхоннинг давлатни идора этиш йўналишида ахборотни етказиш ва олиш бўйича кабутар хизматининг йўлга қўйилганлиги мамлакатни идора этишда самарали натижаларга эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилган³. Айнан шундай хизмат туридан Амир Темур ҳам унумли фойдаланган⁴.

Юқоридагилардан кўринадики, ахборотни излаш, уни қўлга киритиш ва тарқатиш каби принципиал масалалар ҳар доим ҳам давлат ва жамият

¹ **Изоҳ:** А.Темур қўшинидаги ушбу гуруҳлар бугунги кундаги тезкор ахборот излаш, олиш ва тарқатиш вазифасини амалга оширган. Марсел Бриони. Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. (тарихий роман), Т.: Янги аср авлоди. 2012й. –Б.279-322.

² Марсел Бриони. Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. (тарихий роман), Т.: Янги аср авлоди. 2012й. –Б.279-322. Нурали Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич. Роман,Т.: 2011й. Шарқ нашриёти. 478б.

³ Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Янги аср авлоди. Т.:-2012 й., 348б.

⁴ Нурали Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич. Роман,Т.: 2011й. Шарқ нашриёти. 478б.

манфаатлари учун биринчи галдаги вазифалардан саналган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ахборот олиш, уни тарқатиш, шунингдек ахборотни қайта ишлаш каби масалалар ўзининг тарихий жиҳатларига эга. Бироқ, бугунги кундаги жаҳон ахборот ойнаси - ахборотни эгаллаш, уни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишнинг чекланмаган имкониятларга эгаллиги билан ўтган даврдагилардан тубдан фарқ қилади.

Хусусан, бу тизим ахборот коммуникация технологиялари, ривожланишнинг турли босқичларида, таркибан кенгайиб, функционал жиҳатдан бойиб борди. Мазкур соҳанинг тараққиёти асосан XX аср ижтимоий сиёсий жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, айнан шу даврга келиб жамиятда технологик жараёнлар жадаллик билан ривожланиб, олам мисли кўрилмаган даражада техник тараққиётни бошидан кечирди ва бундай тенденция ҳанузгача давом этмоқда. Ахборотни манзилга етказиш ва аксинча муайян бир манзилдан маълумот қабул қилиш бўйича телеграф орқали матн жўнатиш билан, қандайдир дақиқалар ичида манзилга етказилган хабар ёки янгилик, ўз вақтида, оддий қоғозли почта жўнатмаси билан юборилган ва манзилга етгунича, камида бир, икки ҳафта талаб қилинган коммуникация усулини қанчалик инқилобий тарзда ўрин алмаштирган бўлса, унинг фақат матн ўзатишга мослашганлиги сингари камчиликларини, Белл ихтиро қилган телефон аппарати тўлдирди. Попов ихтиро қилган радиотўлқинларни масофага мақсадли узатиш технологияси, ахборот коммуникация технологиялари оламида яна бир ўзига хос бурилиш ясаб берди. Зворыкиннинг электрон нур трубкаси жамиятни ахборотлаштиришнинг энг самарали

воситаларидан бири - телевидение даврини бошлаб берган бўлса, XX асрнинг 60-70 йилларида ЭҲМларнинг ривожланиши асносида юзага келган, компьютер ва тармоқ технологиялари, ахборот коммуникация технологиялари тараққиётининг мантиқий давоми сифатида юзага чиқди⁵.

Бугунги кунимизда интернет - дунёдаги ахборот алмашинуви ва коммуникация воситалари орасида энг илғор ва оммабоп бўлиб, у ўша телеграфдан бошлаб ихтиро қилинган барча ахборот коммуникация технологияларининг мантиқий моҳиятлари - матнли хабар узатиш, товуш узатиш, тасвир узатиш кабиларни, ўзида ягона ва яхлит тизимга мужассамлаштирган мукамал ахборот-коммуникация воситасига айланди. Ўз аждодларидан фарқли равишда, энди интернет, бир томонлама ахборот узатиш воситаси бўлиб қолмасдан, интерактив ахборот коммуникация воситаси сифатида намоён бўлди. Бу жиҳатларига кўра, интернетни, ёзув ва китоб босишнинг ихтиро қилиниши билан бир қаторда, инсоният тарихидаги учинчи ахборот инқилоби деб қарасак ҳам янглишмаган бўламиз.

Эндиликда интернет ва унинг илғор технологиялари қўлланилмаган, фойдаланилмаган соҳа “қолоқ” соҳа тариқасида эътироф этилади. Аслида ҳам шундай. Зеро, интернет тақдим этаётган қулайликлар туфайли, бугун биз, фақат қўшни вилоятдаги яқинларимизгагина эмас, балки, бошқа материкдаги таниш-билишларимизга ҳам видеоқўнғироқлар қилишимиз, фойдаланилган хизматларга ҳақ тўлашимиз, маҳсулотларга буюртма беришимиз ва сотиб олишимиз - тобора оддий кундалик ҳолатга айланиб бормоқда. Интернет

⁵ Venturelli S. Cultural Rights and World Trade Agreement in the Information Society//Gazette. 1998. Vol. 60. № 1.

бизларга тақдим этаётган энг оддий интерактив хизмат - электрон хат-хабар алмашинув (e-mail ёки, ижтимоий тармоқлар)дан бошлаб, электрон кутубхона (e-Library), электрон масофавий таълим (e-layering) каби, ҳамда, электрон тижорат (e-commerce), электрон тўловлар (e-payment), электрон биржа (e-Exchange) каби илғор интерактив хизмат турлари, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларга жадаллик билан кириб келиб бўлди. Эндиликда, томонлардан бирининг (ёки иккисининг ҳам) шахсан ҳозир бўлиши талаб этилмайдиган хизмат кўрсатиш соҳаларида интернетни жорий қилиш, ҳам иқтисодий ҳам маънавий жиҳатдан максимал самарадорлик берадиган даражага эришмоқда.

Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, электрон ҳукумат ва уни амалиётга тадбиқ этиш жараёни жаҳон мамлакатларида 90-йиллар охири ва 2000 йилларнинг бошида бошланган. Бугунги кунда электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш жараёни, жаҳон миқёсида, кўплаб давлатларда жадал тус олган. Етакчи ривожланган давлатларнинг айримларида мазкур жараён ўзининг нисбатан етук босқичига борган бўлса, аксарият давлатларда электрон ҳукумат тизими такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Сўзимизга яқин ва узоқ хориж мамлакатлари тажрибасидан мисол келтирсак: шимолий қўшниларимиздан бўлган - Қозоғистонда 2004 йилдан бошлаб электрон ҳукумат шакллантирила бошланган⁶. Қозоқ қардошларимизнинг “е-акимат” дастури доирасида “е-лицензиялаш”, “е-нотариат”, “е-давлат харидлари” каби ички структураларда, 126 хилдан ортиқ давлат интерактив хизматлари кўрсатилади. Қозоғистон фуқаролари, мазкур тизим

⁶ www.egov.kz

орқали, солиқлар, давлат йиғимлари, жарима ва божхона тўловларини он-лайн тўлашлари, давлат идораларига ёзма мурожаат этишлари, ташкилот, муассаса ва идораларнинг раҳбарлари ёки бошқа масъул ходимлари қабулига он-лайн рўйхатдан ўтишлари ва улар билан белгиланган муддатда видео-қўнғироқли алоқага чиқишлари мумкин.

Россияда, электрон ҳукумат тизими борасида амалий ишлар 2008 йилда бошланган эди. АҚШда эса бу борада нисбатан эрта - 2002 йилдаёқ ишга киришилган. Европа иттифоқи эса, “e-Europe” ташаббуси орқали, 2000 йилда иш бошлаган эди⁷.

Бу йўналишда, БМТ жаҳоннинг 193 давлати орасида, электрон ҳукуматнинг амалиётга жорий қилиниши ва унинг сифат кўрсаткичи борасида махсус мониторинг ва рейтинг тизими юритиб боради. Рейтинг натижалари ҳар 2 йилда эълон қилиб борилади. 2012, 2014 ҳамда 2016 йилларда эълон қилинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, “E-Government Survey: E-Government for the People” мониторинг ва рейтинг натижаларига кўра, жаҳон давлатлари орасида қуйидаги Топ-10талик яққол етакчилик қилмоқда.

⁷ Землянова Л. М. Коммуникативистика и средства информации. Л. М. Землянова. – М., 2009. – 416 с.

Table 1: Top 12 of the e-government development index

Country	Region	2014 EGDI	2014 Rank	2012 Rank	Change in Rank (2012-2014)
Republic of Korea	Asia	0.9462	1	1	-
Australia	Oceania	0.9103	2	12	10 ▲
Singapore	Asia	0.9076	3	10	7 ▲
France	Europe	0.8938	4	6	2 ▲
Netherlands	Europe	0.8897	5	2	3 ▼
Japan	Asia	0.8874	6	18	12 ▲
United States of America	Americas	0.8748	7	5	2 ▼
United Kingdom	Europe	0.8695	8	3	5 ▼
New Zealand	Oceania	0.8644	9	13	4 ▲
Finland	Europe	0.8449	10	9	1 ▼
Canada	Americas	0.8418	11	11	-
Spain	Europe	0.8410	12	23	11 ▲

E-Government Development Index - Top 10 Countries in 2016 ⁸		
№	Давлатлар	Index
1	Бирлашган Қироллик	0.9193
2	Аустралия	0.9143
3	Корея Республикаси	0.8915
4	Сингапур	0.8828
5	Финландия	0.8817
6	Швеция	0.8704
7	Нидерландия	0.8659
8	Янги Зеландия	0.8653
9	Дания	0.8510
10	Франция	0.8456


Мазкур рейтингда қаторасига тўрт мартаба, демакки, сўнгги 8 йил давомида Жанубий Корея давлатининг етакчилик қилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Расмий Сеулнинг замонавий ахборот коммуникация технологиялари борасидаги салмоқли салоҳияти ва фуқароларга кўрсатаётган

⁸ <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Reports/UN-E-Government-Survey-2016>

интерактив давлат хизматлари даражаси, БМТнинг соҳа экспертлари томонидан 0.9283 индекси билан баҳоланган⁹. Сўнги натижаларга кўра, яъни 2016 йил эълон қилинган кўрсаткичда Бирлашган Қиролликнинг биринчиликка чиқиб олганлигини кўришимиз мумкин.


Қуйидаги жадвалдан бугунги кунда бутун дунё бўйича ҳудудлар кесимидаги интернетдан фойдаланувчиларнинг кўрсаткич даражаси

**Internet Users in the World
Distribution by World Regions - 2010**



Source: Internet World Stats - www.internetworldstats.com/stats.htm
Basis: 1,966,514,816 Internet users on June 30, 2010
Copyright © 2010, Miniwatts Marketing Group


**Internet Users in the World
Distribution by World Regions - 2012 Q2**



Source: Internet World Stats - www.internetworldstats.com/stats.htm
Basis: 2,405,518,376 Internet users on June 30, 2012
Copyright © 2012, Miniwatts Marketing Group

келтирилган.

**Internet Users in the World by Regions
November 2015**



Source: Internet World Stats - www.internetworldstats.com/stats.htm
Basis: 3,366,261,156 Internet users on November 30, 2015
Copyright © 2015, Miniwatts Marketing Group

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, жами интернетдан фойдаланувчиларнинг 48.2%ни Осиё ҳудуди

⁹ Knowledge Management and ICT for Public Administration // The Network of Institutes and Schools of Public Administration in Central and Eastern Europe; www.nispa.sk.

аҳолиси ташкил этгани ҳолатда энг катта кўрсаткични намоён этган¹⁰.

Умуман олганда эса, мазкур рейтингни шакллантиришда БМТ томонидан, муайян давлатдаги электрон ҳукумат тизимининг ривожланганлик даражаси қуйидаги 3 асосий мезон бўйича баҳоланади:

1) Ахборот коммуникация технологиялари инфраструктурасининг ривожланиш даражаси;

2) Давлат томонидан ўз фуқароларига кўрсатилаётган он-лайн интерактив хизматларнинг миқёси ва сифати;

3) Инсон капитали.

Давлат томонидан ўз фуқароларига кўрсатилаётган он-лайн интерактив хизматларнинг миқёси ва сифати, контент, интерактив хизматларнинг фойдаланиш имконияти даражаси ва сифатига кўра, давлат ҳукуматининг асосий портали, давлат хизматлари кўрсатиладиган асосий портал ва турли вазирлик ҳамда идораларнинг сайтларини баҳолаш орқали аниқланади.

Ахборот коммуникация технологиялари инфраструктурасининг ривожланиш даражаси эса, 100 нафар аҳоли сонига нисбатан симли интернет тизимининг доимий абонент-фойдаланувчилари миқдори; 100 нафар аҳоли сонига нисбатан стационар ва мобил алоқа воситалари фойдаланувчилари миқдори; шунингдек, 100 нафар аҳоли сонига нисбатан, Кенг Полосали Интернетга уланиш қурилмалари сонига қараб белгиланади.

Инсон капитали борасида эса, аҳолининг саводхонлик даражаси, ҳамда турли ўқув муассасаларида таълим олаётган фуқароларнинг

¹⁰ Internet World Stats. Usage and population Statistics.
www.internetworldstats.com/stats.htm

умумий аҳоли сонига нисбатан % миқдордаги улуши инобатга олинади.

БМТ томонидан электрон ҳукумат тизимининг ривожланганлик даражаси ўлчаш индекслари¹¹:



Кўриб турганингиздек, мезонлар асосли бўлса-да, барибир, бизнинг назаримизда бирмунча нисбий кўринади. Бундан ташқари, ушбу мезонлар сирасида аҳолининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги салоҳияти ва имкониятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади. Шундай бўлса-да, БМТ томонидан белгиланган мезонларда миллий электрон ҳукумат тизими учун қўллаш мақсадида, кўриб чиқса ва ўрганса арзийдиган кўплаб сифатлар, ўзлаштириш мумкин бўлган узоқ йиллик тажрибалар мавжуд. Лекин, жаҳон тажрибасида шаклланиб келган умумий стандартларнинг энг асосийси бу интерактив хизматларнинг маълум тамойиллар асосида тизимланишидир.

¹¹Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1989-сонли қарорига кўра 2020 йилга қадар Ўзбекистонда АКТ инфраструктураси ривожланганлик даражаси 100%га чиқариш режалантирилган.

Электрон ҳукуматнинг ҳуқуқий асослари деганимизда ушбу масалага алоҳида диққат қилиш керак бўладики, бу энг аввало мазкур соҳани амалда жорий этиш борасида қўйилган илк қадамлардан бошланади. Яна ҳам соддароқ қилиб айтганда ҳуқуқий асослар бу – мазкур соҳада вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солишнинг муайян тизими сифатида майдонга чиқади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, электрон ҳукуматнинг ҳуқуқий асоси деганда – электрон ҳукуматни жорий этиш ва унинг ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб бериш борасида, шунингдек, ушбу соҳада вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай муносабатларни тартибга солиш борасида давлатнинг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг йиғиндисини назарда тутиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда электрон ҳукумат ва унинг таркибий қисмларини шакллантириш тарихи 2002 йилдан бошланган эди. 2002 йил 30 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3080-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони¹² бу борада дастлабки қадамлардан бири бўлган эди. Мазкур фармон орқали, Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологияларни амалиётга жорий этишни янада чуқурлаштириш, ахборот коммуникация технологиялари потенциалидан кенг фойдаланиш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб

¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 11-12-сон, 91-модда; 2003 й., 24-сон, 241-модда; 2004 й., 19-сон, 220-модда; 2006 й., 40-сон, 396-модда; 2013 й., 34-сон, 458-модда; 2014 й., 37-сон, 473-модда.

чиқилиши бошланган, юртимизда электрон ҳукумат тизимининг кейинги истиқболи учун замин яратилган эди. Албатта, ҳар қандай ишда бўлгани каби, электрон ҳукуматни амалиётга тадбиқ этишда ҳам, қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база энг асосий ўрин тутди. Бу борада, 2003 йил сўнггида қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги¹³ ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари муҳим қадам бўлиб хизмат қилди. 2007 йил эса, Ўзбекистонда электрон ҳукуматни шакллантириш борасида муҳим амалий қадамлар ташланган эътиборга молик йил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан давлат органларининг ўзаро ҳамда фуқаролар ва муассасалар билан муносабатларини, электрон ҳукумат хизматларини тақдим этиш орқали йўлга қўйиш борасида устувор йўналишлари белгилаб олинди. Мазкур низом орқали, ахборот коммуникация технологиялари қўллаш орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларининг стандартларини яратиш ва асосий давлат интерактив хизматлари рўйхати қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги №259-сон қарори билан ҳукумат порталида ахборот тақдим этиш ва интерактив хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди¹⁵. 2009 йил 21 апрелдаги №116-сонли ҳукумат қарори билан давлат органларининг интернет тармоғида тақдим этиши лозим бўлган 9 хил тематикага бириктирилган, жами 102 хил ахборот

¹³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 521-модда.

турлари рўйхати, шунингдек уларнинг янгиланиб туриши муддатлари ўрнатилди¹⁶.

Умуман олганда 2002-2012 йилларда Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш, интерактив давлат хизматлари ва электрон ҳукуматни шакллантириш борасида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, айнан ушбу нормативлар мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимининг йўлга қўйилиши ва ривожланишининг ўзиша хос тенденцияларини кўрсатиб беради.

Бугунги кунга келиб мазкур соҳага оид жами 27 та қонун ва қонуности меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинганлигини эътироф этиш керак.

Ўзбек электрон ҳукуматини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари борасида 2012 йил энг катта бурилиш йили бўлди десак, хато бўлмаса керак. Чунки, 2012 йилда қабул қилинган жами 4 та қонун ҳужжатларида, Ўзбекистонда электрон ҳукуматни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш борасида асосий чора-тадбирлар ва аниқ йўналишлар белгилаб олинди. Аввало, 2012 йил 21 март куни имзоланган ПҚ-1730-сонли “Замонавий ахборот коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори орқали, ўз ичига 21 та аниқ чора-тадбирлар режасини қамраб олган, 2012-2014 йилларга мўлжалланган махсус дастур тасдиқланди ва унинг ижроси махсус Мувофиқлаштирувчи Кенгашга юкланди¹⁷.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 212-модда.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 139-модда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги №313-сон қарори¹⁸ билан Электрон ҳукуматнинг асосий интерактив хизматлари рўйхати (реестри) янгиланди (87-банд) ва ниҳоят, бу борада, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги №378-сонли “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹⁹ билан электрон ҳукуматни янада ривожлантириш ва давлат бошқарувига замонавий ахборот технологияларини жорий этишда кўмаклашиш мақсадида, Ягона давлат интерактив хизматлари портали (Ягона портал) ташкил этиш ва унинг техник ва технологик асослари баён қилинган низом қабул қилинди.

Юқорида эслаб ўтилган барча меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистонда интерактив давлат хизматлари ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш, уни ривожлантириш борасида босқичма-босқич, эволюцион ҳуқуқий пойдеворни яратишга хизмат қилди. 2013 йилда ҳам бу борадаги мантиқий изчиллик давом этиб, айтиш мумкинки, ҳақиқий маънода ўзбек электрон ҳукуматининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаган муҳим қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши билан аҳамиятли бўлди. Хусусан, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 январь куни 18-сонли қарори қабул қилиниб, у билан давлат бошқарувининг самарадорлиги ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифатининг

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 44-сон, 507-модда.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 23-модда.

оширилишини таъминловчи “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш алоҳида устувор вазифа қилиб белгиланди²⁰.

Ўзбекистонда, электрон ҳукуматни ташкил қилиш масаласига давлат даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида, ҳукумат даражасида қабул қилинган сўнгги муҳим қарорларни келтиришимиз мумкин. Бу ҳам ўз навбатида мамлакатимизда электрон ҳукумат тизими ҳуқуқий асосларининг ривожланиш босқичини кўрсатиб беради. Жумладан, 2013 йилнинг 16 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №250-сонли қарори билан Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш мақсадида, махсус марказ – “Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази” ҳамда “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази” ташкил қилинди²¹. Мазкур қарор билан Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, услубий ва технологик таъминоти ва тизим учун масъул ташкилотларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга оид ўта муҳим устувор вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан, “Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш” ҳамда “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази”нинг тузилмаси ва фаолияти тартибини белгиловчи низом қабул қилинди.

Шу билан бирга республикаимизда давлат бошқарувини оптималлаштиришда электрон ҳукумат

²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 54-модда, 40-сон, 528-модда.

²¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 492-модда.

тизимини янада такомиллаштириш ишларини давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил сентябрь ойида Жанубий Кореяга амалга оширган ташрифлари мобайнида, ахборотлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди. Чунки, Корея Республикасининг кўп йиллардан бери электрон ҳукумат борасида БМТ рейтингда етакчилик қилаётганлиги, Кореянинг бу борадаги бой тажрибаси сабабли мазкур давлат ҳамда Республикамиз ўртасида мустақкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ушбу ҳамкорлик негизида, Кореянинг ахборот коммуникация технологиялари соҳасида етакчи мутахассисларидан бири - жаноб Ким Нам Сок, Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимини шакллантириш жараёнига кўмаклашиш мақсадида, Ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари вазирининг ўринбосари сифатида АКТ бўйича маслаҳатчи этиб тайинланди. Давлат раҳбари томонидан мамлакатимизда мазкур соҳага қаратилаётган эътиборнинг бу даражадаги ифодаси бугунги кунда электрон ҳукуматнинг жамиятимиз учун қанчалик беқиёс аҳамияти борлигини яққол намоён этади.

2013-2017 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари, шунингдек 2015 йилнинг ўзида 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, 2015 йилнинг 11 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган “2015 йил учун қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тўғрисида”ги 116-сонли қарорида айнан “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш масаласи кун тартибига қўйилган. Бу ўринда масъул вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар аниқ белгиланган²².

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йилнинг 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4702-сон Фармони мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимининг такомиллашувида яна бир муҳим босқич бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир²³.

Мазкур норматив ҳужжат билан республикада давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, “электрон ҳукумат” тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал тадбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Ва айнан ушбу мақсадни рўёбга чиқаришни кўзлаб Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Ахборот

²² Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 19, ст. 234.

²³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 5-сон, 52-модда.

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди²⁴.

Тан олиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда электрон ҳукуматнинг янги хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари яратилган. Бунини уй-жой, коммунал хизматлар бўйича тўловларни амалга ошириш, банк ўтказмаларини бажариш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботларини давлат солиқ инспекцияларига бормасдан топшириш билан боғлиқ интерактив давлат хизматлари самарали фаолият кўрсатмоқда ва фуқароларимиз бундан унумли ҳамда ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Электрон ҳукуматни ривожлантириш ва жорий этиш соҳасида чет эл мамлакатларининг қонунларини қабул қилиш тўғрисида маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мамлакат	Қонун номи	Қабул қилиш йили
Сингапур	Электрон ҳукумат хизматлари тўғрисида	1998 й.
Корея	Электрон ҳукумат тўғрисида	2001 й.
АҚШ	Электрон ҳукумат тўғрисида	2002 й.
Финляндия	Электрон ҳукумат хизматлари тўғрисида	2003 й.
Австрия	Электрон ҳукумат тўғрисида	2004 й.
Болгария	Электрон ҳукумат тўғрисида	2008 й.
Германия	Электрон ҳукуматни илгари суриш тўғрисида	2013 й.

2015 йил 9 декабрда “Электрон ҳукумат тўғрисида” УРҚ-395-сонли Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

²⁴ Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 4 февралдаги ПФ-4702-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди.

Шунингдек, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 – 2021 йилларда «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Қарорда 2021 йилгача электрон шаклга ўтказиладиган асосий давлат хизматларни ва давлат органлари функцияларини хатловдан ўтказиш, давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорлик ёрдамида жўнатиладиган маълумотлар рўйхатини белгилаш, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган ва юбориладиган маълумотларни таҳлил қилиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиботини такомиллаштириш, ахборот тизимлари ва улар ўртасида узатиладиган маълумотлар рўйхатини ҳамда электрон шаклга ўтказиладиган давлат хизматлари рўйхатини ўз ичига олган «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш бўйича йўл харитаси тасдиқлаш масалалари ўз аксини топиши кўзда тутилмоқда.

References/Фойдаланилган адабиётлар

1. Марсел Бриони. Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. (тарихий роман), Т.: Янги аср авлоди. 2012й. –Б.279-322. Нурали Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич. Роман,Т.: 2011й. Шарқ нашриёти. 478б.
2. Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Янги аср авлоди. Т.:-2012 й., 348б.
3. Нурали Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич. Роман,Т.: 2011й. Шарқ нашриёти. 478б.

4. Venturelli S. Cultural Rights and World Trade Agreement in the Information Society//Gazette. 1998. Vol. 60. № 1.
5. www.egov.kz
6. Землянова Л. М. Коммуникативистика и средства информации. Л. М. Землянова. – М., 2009. – 416 с.
7. <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Reports/UN-E-Government-Survey-2016>
8. Knowledge Management and ICT for Public Administration // The Network of Institutes and Schools of Public Administration in Central and Eastern Europe; www.nispa.sk.
9. Internet World Stats. Usege and population Statistics. www.internetworldstats.com/stats.htm
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 11-12-сон, 91-модда; 2003 й., 24-сон, 241-модда; 2004 й., 19-сон, 220-модда; 2006 й., 40-сон, 396-модда; 2013 й., 34-сон, 458-модда; 2014 й., 37-сон, 473-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 521-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 212-модда.
14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 139-модда.
15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 44-сон, 507-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 23-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 54-модда, 40-сон, 528-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 492-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда.

20. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 19, ст. 234.

21. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 5-сон, 52-модда.